

Ўзбекистон Республикаси
Муассисларнинг умумий йиғилиши

Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил «____» сентябрдаги

2019 йил «____» _____
билан

томонидан

1-баённома

**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
“ZIYO FORUM” ФОНДИ
У С Т А В И**

I. I. Умумий қоидалар

1.1. Кейинги ўринларда Фонд деб аталувчи «Ziyo Forum» илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш Фондиси ихтиёрий мулкый бадаллар, қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳамда ушбу Уставда кўрсатилган мақсадларга эришиш учун мол-мулк ва маблағлардан фойдаланиш асосида ушбу мол-мулк ва маблағларни шаклланириш учун таъсис этилган аъзоликка эга бўлмаган нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Фонд ўз олдида хайрия, социал, маданий, илм-фан ва бошқа соҳаларда ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган аъзолиги бўлмаган жамоат фонди шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотдир.

1.2. Фонд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 657-сонли қарорини бажариш мақсадида ташкил этилади.

Фонд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларга ва ушбу Уставга асосан амалга оширади.

1.3. Фонд юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, банк муассасаларида миллий ва чет эл валюталари бўйича ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар, бланклар ва бошқа реквизитларга эга. Фонд белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз рамзий белгисига эга бўлишга ҳақли.

1.4. Фондга муассислар томонидан тақдим этилган мулк Фонднинг мол-мулки ҳисобланади. Муассислар ўзлари ташкил этган Фонднинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, Фонд ҳам ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Фонд ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча активлари билан жавобгардир.

1.5. Фонд мол-мулкидан ўз Уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз Уставида белгиланган мақсадлар доирасида тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳақли.

1.6. Фонднинг маблағлари ушбу Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

1.7. Фонд давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва вазифаларига эга бўлади.

1.8. Фонднинг фаолият юритиш муддати чекланмаган.

1.9. Фонднинг фаолияти халқаро амалга оширилади.

1.10. Фонднинг тўлиқ расмий номи:

– давлат тилида: «Ziyo Forum» («Зиё Форум») номидаги Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш фонди;

1.11. Фонднинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Олмазор тумани, талабалар шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази биносида.

2. Фонднинг мақсад ва вазифалари

2.1. Фонднинг мақсад қуйидагилардан иборат:

– илм-фанни ривожлантириш, шу жумладан илмий тадқиқотлар, илмий ишланмаларни яратиш ва жорий этиш, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий ўқув ва тадқиқот ускуналари билан жиҳозлаш.

2.2. Фонднинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотга эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, инновацион муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш, етакчи хорижий олий ўқув юртлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш;

– етакчи хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

– таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида, шу жумладан етакчи хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишга кўмаклашиш;

– ёш авлоднинг ижодий ғояларини, стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда инвесторларни инновацион ташаббуслар ва таҳлилий марказларга эжалб этиш;

– халқаро рейтингларда иштирок этиш салоҳиятига эга бўлган университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, миллий илмий журналларни Scopus, Web of Science, Science Direct каби халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киритишга кўмаклашиш, шунингдек, етакчи халқаро журналларда чоп этилган мақолалар муаллифларини рағбатлантириш;

– таълим муассасалари талабалари ва ўқувчилари билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга, ўқишга, тадбиркорликка жалб этиш, ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, ватанпарварлик, профессионализм ва давлат келажагига дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш;

– хорижий мамлакатлардаги анжуманлар, семинарлар ва бошқа илмий ва таълим тадбирларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, шунингдек иқтидорли талабалар ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш учун стипендия ва грантлар тақдим этиш;

– илмий ва инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш;

– ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга кўмаклашиш, талабаларни Интернетдаги зарарли ахборотдан ва ёт мафкурадан ҳимоя қилиш учун ягона талаба ахборот платформасини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун хорижий фуқароларни жалб этиш;

– имконияти чекланган, оилали, ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; талабалар учун мос яшаш шароитларини таъминлаш;

– ижтимоий ва маиший шароитлар яратиш, илм-фанни ривожлантириш ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

3. Фонднинг мол-мулкани шакллантириш манбаалари

3.1. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармалари маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсу таълим вазирлигининг Олий таълим маюссасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

лойиҳаларни амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

Фонднинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан олинадиган даромадлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

4. Фонд мол-мулкидан фойдаланиш

4.1. Фонд мол-мулкидан Уставга оид мақсад ва вазифаларни бажариш ҳамда маъмурий харажатларни қоплашда фойдаланилади.

4.2. Маъмурий харажатларнинг, шунингдек, Васийлик кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариши учун сарфланадиган харажатларга тўланадиган ҳақ ва компенсация харажатларининг йиллик умумий суммаси Фонд барча харажатлари умумий суммасининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак. Хайрия дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларга тўланадиган иш ҳақи бу чекловдан мустасно.

4.3. Фонд маблағларидан тўғри фойдаланиш устидан назорат мазкур Устав асосида амалга оширилади.

4.4. Фонд маблағлари юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам ажратилиши мумкин.

4.5. Фонд мол-мулкни кўпайтириш учун Фондга маблағ ажратадиган шахслар ўша маблағни тақдим этиш чоғида Фонд билан мазкур маблағдан муайян мақсадда фойдаланиш, шу жумладан, Фонд қайта ташкил этилганида ёки тугатилганида маблағни қайтариш ҳақида шартнома тузишлари мумкин

5. Фонднинг ҳуқуқлари

5.1. Фонд қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида мол-мулки бўлишга;

– бинолар, иншоотлар, тураржойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар ва ўзга мол-мулк Фонднинг мулки бўлишга;

– фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузишга;

– хайриялар, бадаллар, грантлар ва бошқа маблағлар олишга;

– мазкур Уставнинг 3-бўлимида белгиланган манбалардан тушадиган маблағларни ўзининг банк муассасаларидаги ҳисоб рақамларида кўпайтиришга;

– тасдиқланган лойиҳаларга инвестиция киритиш йўли билан маблағлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда фойдаланишга;

– оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга оширишга;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёшларга оид сиёсат, таълим, фан, санъат, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича, белгиланган тартибда, таклифлар киритишга;

– халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ҳамда халқаро дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этишга;

- Фонд томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилишга ёки қонун бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда маблағларни қайтариб олишга;
- Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Фонднинг мажбуриятлари

6.1. Фонд зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва фонднинг Уставига мувофиқ амалга ошириш;
- Фонд фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш ва фонднинг мол-мулкидан фойдаланилиши тўғрисида ҳар йили ҳисоботлар эълон қилиш;
- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига Фонд ўтказадиган тадбирларга эркин қатнашиш имкониятини бериш;
- ўз фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига ҳисоботлар тақдим этиш;
- ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;
- Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;
- ҳар йили 1 декабргача навбатдаги йил бюджети прогнозини йил чоракларига тақсимлаган ҳолда ҳамда даромадлар ва харажатлар моддалари бўйича тузиб чиқиш ва тасдиқлаш учун Васийлик кенгашига тақдим этиш.
- Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари

7.1. Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари фонд номидан иш кўради ҳамда Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши учун Фонд олдида масъулдир. Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари Фонд Бошқаруви томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

7.2. Ваколатхоналари ва филиалларини Фонд мол-мулк билан таъминлайди. Ваколатхона ва филиалнинг мол-мулки алоҳида балансда ҳамда Фонднинг балансида ҳисобга олинади. Фонднинг ваколатхоналари ва филиалларининг мол-мулк бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари Фонд бошқаруви томонидан тасдиқланган Низом асосида белгиланади.

7.3. Ваколатхоналар ва филиалларнинг раҳбарлари Фонд Васийлик кенгаши билан келишув асосида Фонд Бошқарувчи томонидан тайинланади.

8. Фондда ҳисобга олиш ва ҳисобот

8.1. Фонд ўз фаолияти натижалари ҳисобини юритади ҳамда белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органларига ҳисобот тақдим этади.

8.2. Фонд ҳар йили олдинги йилдаги ўз фаолияти тўғрисида қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисобот эълон қилади:

- Фонднинг ҳисобот давридаги фаолияти шарҳини, бу фаолият Фонднинг Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги даражасини кўрсатган ҳолда;

- Фонднинг йиллик молиявий ҳисоботини, аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўрсатган ҳолда;
- Фонд олган ихтиёрий хайриялар тўғрисидаги маълумотларни;
- Фонднинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлари (фойдаси) тўғрисидаги маълумотларни, бу даромадларнинг (фойданинг) келиб чиқиш манбаларини алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;
- харажатлар умумий суммасини, Фонд фаолиятининг айрим турлари бўйича ва маъмурий харажатлар бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;
- Фонд Устави ва Фонд органларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни;
- Фонднинг Уставида ёки Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланган бошқа маълумотларни.

9. Фондни бошқариш

9.1. Васийлик кенгашининг бошланғич таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 657-сонли Қарорига 2-иловага биноан белгиланган. Фонд Васийлик кенгаши аъзоларининг ваколатларини бекор қилиш, шунингдек Фонд Васийлик кенгашининг янги аъзоларини тайинлаш Васийлик кенгашининг умумий қарорига биноан амалга оширилади. Фонд Васийлик кенгашининг аъзолари айни бир вақтнинг ўзида Фонд бошқаруви ва Тафтиш комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

9.2. Фонд Васийлик кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Фонд фаолияти устидан ҳамда ушбу фаолият қонун ҳужжатлари ва Фонд Уставига, Фонд Васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқ бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Фонд Уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш;
- Фонднинг Бошқаруви ва Тафтиш комиссиясини тузиш;
- Фонднинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Фонд бюджетини тасдиқлаш;
- Фонднинг йиллик балансини, йиллик молиявий ҳисоботини, шу жумладан, Фонд Бошқарувининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- лойиҳалар, дастурлар ва уларни молиялаштириш миқдорларини тасдиқлаш;
- Фонд фаолиятини навбатдан ташқари текшириш учун аудиторлик ташкилотини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Фонд Бошқарувининг Фонд Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга зид бўлган қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш ёки уларни бекор қилиш;
- Фондни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Фонднинг рамзий белгиларини тасдиқлаш.

Фонд Васийлик кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал этиш учун Фонд Бошқаруви ёки Тафтиш комиссиясига ўтказилиши мумкин эмас.

Фонд Васийлик кенгаши Фонднинг бошқа органларидан Фонд фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиш ва олишга ҳақли.

Фонд Васийлик кенгашининг қарорлари ижроси Фонд Бошқаруви ва бошқа органлари, Фонд ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

9.3. Фонд Васийлик кенгашининг йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилади. Зарурат туғилганида навбатдан ташқари йиғилиш чақирилиши мумкин.

9.4. Фонд Васийлик кенгаши йиғилишининг инобатли ҳисобланиши учун кенгаш аъзоларининг камида етмиш беш фоизи иштирок этиши шарт.

9.5. Фонд Васийлик кенгаши йиғилишининг қарори ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги маъқуллаб овоз бериганда қабул қилинади.

10. Фонд Бошқаруви

10.1. Фонднинг жорий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва Фонд Васийлик кенгашининг қарорларини бажариш Фонд Васийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган Бошқарув раҳбари (директори) раҳбарлик қиладиган Бошқарув томонидан амалга оширилади.

10.2. Фонд Бошқаруви таркиби бир йил муддатга сайланадиган уч аъзодан иборат бўлади ва Фонд Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилади.

Фонд Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Фонднинг жорий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;
- Фонд томонидан ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- Фонд Васийлик кенгаши билан келишув асосида Фонд ходимларининг штат жадвали ва иш ҳақи миқдорини белгилаш ҳамда Фонднинг бошқа мол-мулкларини тасарруф қилиш;
- Фонд Васийлик кенгаши билан келишув асосида ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш.

Фонд Бошқарувининг раҳбари ва аъзолари Фонд Васийлик кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Фонд Бошқаруви йилига камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида Васийлик кенгашига ҳисобот тақдим этади.

10.3. Фонд бошқарувининг раҳбари:

- Фонднинг жорий фаолиятини ташкил қилади ва унга юклатилган вазифаларнинг ижроси учун жавоб беради;
- Фонд ходимларини ишга қабул қилади ва бўшатади;
- давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Фонд номидан иш кўради;
- юридик ва жисмоний шахслар билан Фонд фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича шартномалар тузади, бунда Фонд номидан олдиндан келишмасдан иш кўради;
- Фонд штатлар жадвалини, Фонд маблағлари ҳисобидан Фонд фаолиятини таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Фонд Васийлик кенгашига тақдим этади;
- – Фонд ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги низомларни имзолайди;

- – лавозимларга оид йўриқномаларни ва Фонднинг ички ишларига доир бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;
- Фонд номидан даъво аризалари киритади;
- Фонд ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
- мазкур Устав ва амалдаги қонун ҳужжатларига мос бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

11. Фонднинг Тафтиш комиссияси

11.1. Фонднинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳамда унинг пул маблағлари тўғри сарфланиши ва мол-мулкдан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш учун Фонд Васийлик кенгаши томонидан мазкур Уставга биноан уч кишидан иборат таркибда уч йиллик муддатга Фонд Тафтиш комиссияси тузилади.

11.2. Фонд Тафтиш комиссиясининг аъзолари айти бир вақтнинг ўзида Фонднинг Васийлик кенгаши ва Бошқаруви аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.3. Фонднинг молиявий фаолиятини ва Фонд Бошқаруви томонидан пул маблағлари тўғри сарфланаётганлигини ҳамда бошқа мол-мулкдан тўғри фойдаланилаётганлигини текширишни Фонд Васийлик кенгашининг қарорига биноан Фонд Тафтиш комиссияси Фонднинг бир йиллик ёки бошқа муддатдаги фаолияти яқунлари бўйича амалга оширади.

11.4. Фонднинг мансабдор шахслари Фонд Тафтиш комиссиясининг талабига биноан комиссияга Фонднинг молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

11.5. Фонднинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари асосида Фонд Тафтиш комиссияси қўйидагиларни ўз ичига олган хулоса тайёрлайди:

- ҳисоботлардаги ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигига берилган баҳо;
- бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳоллари тўғрисидаги маълумот;
- аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек, Фонд молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифлар.

12. Фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш

Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказади.

Аудиторлик ташкилотини Фонднинг Васийлик кенгаши танлайди.

Фондга алоқадор шахслар Фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишга аудитор сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

13. Фонд Уставига, Фонд ваколатхоналари ҳамда филиалларининг низомларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

13.1. Фонд Уставига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддатда маълум қилинади. Фонд Уставига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар Фондни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишга сабаб бўлади.

13.2. Фонд ваколатхоналари ва филиалларининг низомларига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар Фонд Бошқаруви томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддатда маълум қилинади.

14. Фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш

14.1. Фонднинг Васийлик кенгаши қарорига биноан Фонд қайта ташкил этилиши мумкин. Фонднинг қайта ташкил этилишига фақат бошқа фонд билан қўшиб юборилган, бошқа фондни бирлаштириб олган ёки бошқа фондга бирлаштирилган ҳолларда йўл қўйилади.

14.2. Фондни тугатиш манфаатдор шахсларнинг, шу жумладан, Фонд Васийлик кенгашининг аризасига асосан суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Фонд қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- Фонд ташкил этилишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;
- фаолият муддати тугаганлиги муносабати билан;
- агар Фонднинг мол-мулки Фонд ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш ва вазифаларни амалга ошириш учун етарли бўлмаса, зарур мол-мулкни топиш мумкин бўлмаса;
- агар Фонд ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши мумкин бўлмаса, мазкур мақсадларни эса зарур тарзда ўзгартириб бўлмаса;
- Фонд ўз Уставида белгиланган мақсад ва вазифалардан четга чиққан бўлса;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Фондни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Фонднинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки Фонднинг муассислари, шунингдек Фонднинг Васийлик кенгаши, Бошқаруви, Тафтиш комиссияси аъзолари ёки Фонд ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан Фонд Уставида назарда тутилган тартибда, Фондни ташкил этишдан кўзланган мақсадларда ва (ёки) хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Фонд

Бошқаруви

раиси
